

«ESKI JUVA DEHQON BOZORI» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш
Б А Ё Н Идан кўчирма

2025 йил 15 сентябр
Соат 11-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 15 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 1900217 та овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 80,06 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКдан Шамансуров Шоаброр Шамахамович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ш.Ш.Шамансуров - “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК вакили
Т.К.Камолов – жамият кузатув кенгаши аъзоси,

А.Б.Ахрорходжаев – «Эски жува деҳқон бозори» АЖ директори в.б

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра.

Йиғилишга «Эски жува деҳқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Ш.Шамансуров раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият Устав капиталини камайтириш.
4. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича мажлис раиси тушунтириш бериб йиғилиш санок ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайланишини таклиф этди:

Муталова Зухра Рустамджановна, Азизова Зулхимор Пайзуллаевна, Махкамов Азиз Аваз ўғли

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёқлаган- 1.900.217 - 100 %, қарши- 0-0 %, 0-0,0 %.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича мажлис раиси тушунтириш бериб, йиғилиш регламентини қуйидагича таклиф этди:

1. Биринчи масала юзасидан-	3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан-	3 мин
3. Учинчи масала юзасидан-	10 мин

4. Тўртинчи масала юзасидан- 5 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин

Шунингдек, сўзга чикувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи киритилди.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёқлаган- 1.900.217 - 100 %, қарши- 0-0 %, 0-0,0 %.

Мажлис раиси ушбу тартибни йиғилиш қатнашчиларига яна бир бор эслатиб ўтди ва савол жавоблардан сўнг, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1 -масала Ёқлаган 1900217 – 100 %, Қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %	2 -масала Ёқлаган 1900217 – 100 %, Қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %
3 -масала Ёқлаган 1900217 – 100 %, Қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %	4 -масала Ёқлаган 1900217 – 100 %, Қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %
5 -масала Ёқлаган 1900217 – 100 %, Қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Йиғилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Муталова Зухра Рустамджановна, Азизова Зулхимор Пайзуллаевна, Махкамов Азиз Аваз ўғли. (Ёқлаган – 1900217 - 100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

2. Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чикувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин (Ёқлаган – 1900217 - 100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 июндаги “Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га тегишли Қарорида Эски жувва деҳқон бозори” АЖнинг Ибн Сино филиали жойлашган бино ва иншоотларини давлат улушини камайтириш ҳисобидан Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида ўтказиш кўрсатилганлиги инобатга олинсин;

3.1. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятдаги давлат улуши Баҳоловчи ташкилот "Gold Grand Estimation" масъулияти чекланган жамиятининг баҳолаш ҳисоботида ва Баҳоловчи ташкилот "Urganch baholash va konsalting" масъулияти чекланган жамиятининг 17.01.2025 йилдаги №-03ЭХ-сонли эксперт хулосасига асосан тайёрланган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб 107.949.000 сўмга камайтирилсин.

Яъни, бунда жамиятдан чиқиб кетаётган мулк ҳисобига мутаносиб (пропорционал) равишда устав фондни камайтириш мақсадида, баҳоловчи ташкилот томонидан жамият устав фондидаги 1 дона номинал қиймати 1000 сўм бўлган акциянинг бозор қиймати 36.878 сўм бўлганлиги ва жамиятнинг "Ибн Сино" филиалининг баҳоланган суммаси 3.980.943.222 сўм эканлигидан келиб чиқиб, Давлат мулки бўлиб чиқиб кетаётган "Ибн Сино" филиалининг баҳоланган қийматини жамиятнинг 1 дона акциясининг бозор баҳоси қийматига бўлиш орқали амалга оширилиши тасдиқлансин ($3.980.943.222 \text{ сўм} / 36878 \text{ сўм} = 107.949$ дона акция ёки 107.949.000 сўм).

3.2. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, жамиятнинг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 2.373.344 дона акциядан иборат 2.373.344.000 сўмлик устав фонди 107.949 дона акцияларга ёки 107.949.000 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 2.265.395 дона акциядан ёки 2.265.395.000 сўмдан иборат қилиб тасдиқлансин.

Бу ҳолатда жамиятнинг устав фонди фақат Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК номида бўлган ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўмлик 107949 дона акцияларга ёки 107.949.000 сўмга камайтирилади (Ёқлаган – 1900217 - 100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

4. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда ўзгартиришлар матни тасдиқлансин (Ёқлаган – 1900217 - 100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.
(Ёқлаган – 1900217 - 100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

Баённома имзоланган сана: «24» сентябр 2025 йил.

Йиғилиш раиси

Ш.Шамансуров

Котиба




Г.Ибрагимова